

MAS'ULIYATI
CHEKLANGAN
JAMIYATI



LIMITED
LIABILITY
COMPANY

DEPO-INVEST-TRAST

O'zbekiston Respublikasi 100000 Toshkent sh., Osiyo ko'chasi, 6 uy, 87 xonadon tel/ fax. 150-39-53

2020 йил 30 шондаги
НО23-сонли

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида ХУЛОСА

Акциядорлик жамияти: **"O'zagrolizing"** акциядорлик жамияти
Ўзбекистон Республикаси, 100011,
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-А уй,
тел./факс: +998 (71) 244-62-73/244-49-89,
эл.почта: info@agroleasing.uz, www.agroleasing.uz

Мустақил ташкилот: **"DEPO-INVEST-TRAST"** масъулияти чекланган жамияти
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 6-уй, 87-хонадон,
тел.: +998 (78) 150-39-53,
эл.почта: depintra@mail.ru, www.depintra.uz

"O'zagrolizing" акциядорлик жамиятида (кейинги ўринларда – АЖ) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун "DEPO-INVEST-TRAST" масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – Мустақил ташкилот) томонидан АЖ билан 2020 йил 22 июнда тузилган НО23-сонли шартномага асосан амалга оширилди.

Мустақил ташкилот қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиб, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2014 йил 4 мартда берилган Инвестиция воситачиси сифатида 1258-сонли, Инвестиция маслаҳатчиси сифатида 1259-сонли ва Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида 1260-сонли лицензияларга эга.

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволномага мувофиқ ўтказилди.

Мустақил ташкилот фақат АЖ томонидан тақдим этилган ва қонунийликда белгиланган тартибда ошкор этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этилган ҳамда қонунийликда белгиланган тартибда ошкор этилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун АЖнинг раҳбарияти жавобгардир.

Мустақил ташкилот АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил фикр билдириш учун етарли асослар беради деб ҳисоблайди.

**АЖ корпоратив бошқарувини баҳолашнинг йнғма
ЖАДВАЛИ**

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимолий баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш	13	-135	135	100
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	-15
3	АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	15
4	Танлов ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	-15
5	ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш	3	-50	50	-10
6	Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.)	5	-55	55	-5
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	-33
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	-15
9	АЖ фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	10
	Жами	100	-1200	1200	32

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якуний натижасининг максимал натижага нисбатан фоиздаги кўрсаткичи: 3%.

ХУЛОСА: Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, жами ҳақиқий баҳо 32 балл ёки фоиздаги кўрсаткичи 3% эканлигини ҳисобга олиб, "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлиги қониқарли деб тан олинди.

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида Ҳисобот _____ варақда илова қилинади.

Директор  Х.А.Усманов

